

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 6-сон**



13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PEDAGOGICAL SCIENCES

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИ

П.ф.д., проф. С.Т.Турғунов, п.ф.н., доц. Қ.О.Шодманов,  
стаж.тад. М.А.Юлдашев тел: 939117757 e-mail: m\_yuldashev7757umail.uz

**Аннотация:** Мақолада профессионал таълим муассасаларини бошқаришни илмий асосда ташкил этиш, юзага келадиган муаммоларни инобатга олиш ва уларнинг ижобий ечимларини топиш бошқарув фаолиятида самарадорликка эришишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида эканлиги очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** Профессонал таълим муассасаси, таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, меҳнат бозори, таълим сифатини баҳолаш, таълимнинг ҳалқаро стандарт таснифлагич даражалари, табақалаштирилган таълим дастурлари, мураккаб педагогик тизим, бошқарув қонуниятлари, бошқарув самарадорлиги.

**Аннотация:** В статье выявлено, что учет проблем, возникающих при организации управления учреждениями профессионального образования на научной основе, и поиск положительных решений является одним из основных показателей эффективности в управлении.

**Ключевые слова:** Профессиональное учебное заведение, организация учебного процесса на научной основе, рынок труда, оценка качества образования, уровни международной стандартной классификации образования, дифференцированные образовательные программы, комплексная педагогическая система, законы управления, эффективность управления.

**Annotation:** The article reveals that taking into account the problems arising in the organization of management of vocational education institutions on a scientific basis, and the search for positive solutions is one of the main indicators of efficiency in management.

**Key words:** Vocational educational institution, organization of the educational process on a scientific basis, labor market, assessment of the quality of education, levels of the international standard classification of education, differentiated educational programs, integrated pedagogical system, laws of management, management efficiency.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилиб келинмоқда.



Шу билан бирга, профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилмоқда.

Профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган ПФ-5812- сон Фармонида асосан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди.

Жумладан, профессионал таълим муассасаларидан бири ҳисобланган техникумларда кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичининг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йуналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўладилар. Жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилди.

Қабул қилинган фармондан келиб чиқиб, профессионал таълим муассасаларида бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлаш, профессионал таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишга ҳамда умумий манфаатлар уйғунлиги асосида муассаса олдига қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган фаолиятлар жараёнини бошқариш раҳбарларнинг барча жамоа аъзоларига таъсир этиши бўлиб, педагог ходимлар ва ёрдамчи хўжалик фаолиятларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришда, шунингдек, муассасанинг ички имкониятларидан ва маблағларидан фойдаланишда ўз ваколати доирасидаги тўғри мақсадга йўналтирилган фаолиятдир.

Профессионал таълим муассасалари раҳбарлари муассаса олдига қўйилган мақсадларга эришишда педагогик ходимларнинг фаолиятини, билим, кўникма ва малакалар даражасини, қобилиятларини, шахсий хислатларини, шунингдек, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишнинг мураккаб томонларини чуқур ўрганишлари



ва шулар асосида бошқарув жараёнини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган қарорларни қабул қилишлари ҳамда уларни амалга ошириш учун турли тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур.

Профессионал таълим муассасаларини бошқаришни илмий асосда ташкил этишда қуйида келтирилган муаммоларни инобатга олиш ва уларнинг ижобий ечимларини топиш бошқарув фаолиятида самарадорликка эришишнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида хизмат қилади:

- таълим-тарбия жараёнига ва педагогик ходимларнинг барча фаолиятларига таъсир этувчи ҳамда муассаса фаолиятида янгиликларни жорий этиш суръати билан ўқитувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари ўртасидаги номувофиқликларни вужудга келтирувчи омиллар;
- республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларида қисқа вақт ичида амалга оширилаётган ҳамда ҳаётимизда жуда катта аҳамият касб этаётган ислохотлар билан таълим жараёнидаги инерцион тенденциялар ўртасидаги зиддиятлар;
- педагог ходимларнинг шахсий хислатлари ва касбий қобилиятларини шакллантириш даражаси билан таълим муассасаларига қўйилаётган замонавий талаблар ўртасидаги зиддиятлар;
- таълим тизимида вужудга келаётган ташаббус ҳамда қўлланилаётган ва яратилаётган янгиликларни жорий этиш суръати билан илмий-методик таъминотлар ўртасидаги номувофиқлик;
- профессионал таълим муассасаларининг интегратив табиатига мос ёндашувлар ва уларни шакллантириш технологияларини мавжуд эмаслиги.

Профессионал таълим муассасаларини бошқарув фаолиятининг самарадорлиги - бу бошқарув қонуниятлари, усул ва методлари ҳамда инновацион технологияларга асосланган бошқарув фаолияти асосида ташкил этилган таълим-тарбия жараёнининг натижавийлиги ҳисобланади.

Профессионал таълим муассасаларида бошқариш самарадорлиги ўқувчиларнинг фанлар бўйича олган билимлари, замонавий техника ва ахборотлар технологияларини ўрганиши, интеллектуал қобилиятларининг шаклланиш даражасини ҳамда ўқитувчи ва педагог ходимларнинг билими, кўникма ва малакалари, шунингдек педагогик маҳорати ҳамда касбий қобилиятларининг ривожланиш даражаларини ўсишини белгилайди.

Профессионал таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолиятида самарадорликни ривожлантириш учун бажарилиши зарур бўлган шартлар:

- таълим муассасаларини бошқариш жараёнига, инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида ёндашиш;
- раҳбарнинг бошқарув маданияти, шахслараро муносабатлар ҳамда тарбиявий муносабатларни илмий асосланган тамойиллар асосида шакллантириш;
- таълим муассасасининг инновацион фаолияти жараёнида раҳбарнинг касбий маҳорати ва ўзи ҳақидаги фикрларига илмий ёндашиш;
- раҳбарлар томонидан бошқарув фаолиятининг таҳлилий йўналишини, педагогик тизимни концептуал ва дастурий бошқаришни ўзлаштиришларини амалга ошириш;
- таълим муассасасини бошқариш жараёнида инновацион ёндашувларнинг натижалари бўйича тескари алоқани йўлга қуйиш.

Бошқарув самарадорлигига эришиш учун профессионал таълим муассасалари



раҳбарлари муассасанинг асосий мақсадлари йўналишида стратегик режалаштириш сирларини, бошқарув усуллари, методлари ҳамда тамойиллари, инновацион технологияларни билиши ва булар асосида жамоанинг интегратив фаолиятига мураккаб педагогик тизим сифатида ёндашувларга йўналтирилган инновацион фаолиятни ташкил этиши зарур ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистан Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.
2. Джураев Р. Х., Турғунов С. Т. Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. - Тошкент: “Фан”, 2006.
3. Турғунов С.Т., Улуқов Н.М., Шодманов К.О., Мақсудова Л.А. Таълим муассасаларида бошқарув. Қўлланма. - Тошкент: Фан, 2008. - 96 б.

### **НАМАНГАН ШАҲАР “ОРЗУ” МАҲАЛЛАСИ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА “ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ТИЗИМИ**

Исамутдинов Равшан Рахмонович

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ходими, мустақил изланувчи

*Аннотация:* Мазкур мақолада “Орзу” маҳалласи тажрибаси асосида аҳоли хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш тизимининг ўзига хосликлари ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф мақолада фуқаролар йиғини томонидан “Хавфсиз маҳалла” концепциясини амалга оширишда профилактик ҳисобда турувчи шахслар билан ишлашнинг муҳим жиҳатлари очиб берилган.

*Калит сўзлар:* профилактика инспектори, фуқаролар йиғини, хавфсиз маҳалла, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликни олдини олиш, профилактик тадбир.

### **РЕАЛИЗАЦИЯ КОНЦЕПЦИИ «БЕЗОПАСНАЯ МАХАЛЛЯ» НА ОСНОВЕ ОПЫТА МАХАЛЛИ «ОРЗУ» ГОРОДА НАМАНГАН**

Исамутдинов Равшан Рахмонович

Сотрудник министерства Махалля и поддержка семьи Республики Узбекистана,  
независимый соискатель

*Аннотация:* В данной статье освещены особенности системы обеспечения безопасности и спокойствия населения на основе опыта махалли «Орзу». Также автор в статье раскрыл важные особенности работы в осуществлении концепции «Безопасная махалля» со стороны сход граждан с лицами, состоящими на профилактическом учете.

*Ключевые слова:* инспектор по профилактике, сход граждан, безопасная махалля, охрана общественного порядка, предупреждение преступности, профилактическое мероприятие.

### **IMPLEMENTATION OF THE "SAFE MAHALLA" CONCEPT BASED ON THE EXPERIENCE OF THE "ORZU" MAHALLA IN NAMANGAN CITY**



13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PEDAGOGICAL SCIENCES**

81	Профессионал таълим муассасаларида бошқарув фаолияти самарадорлиги Турғунов С.Т., Шодманов Қ.О,Юлдашев М.А. ....	408
82	Наманган шаҳар “Орзу” маҳалласи тажрибаси асосида “Хавфсиз маҳалла” концепциясини амалиётга татбиқ этиш тизимини Исамутдинов Р.Р. ....	411
83	Использование современных информационных и дидактических технологий в учебном процессе Замилова Р. Р. ....	416
84	Инклюзивное образования. внедрение инклюзивного образования в Узбекистане. Narmatova A.P. ....	420
85	Касбга йўналтирилган топшириқлар техника олий таълим муассасаларида математикани касбга йўналтириб ўқитиш воситаси сифатида Тураев Ў.Я. ....	425
86	Рақамли дунё шароитида бошланғич таълимда интеграциялашган таълимни такомиллаштириш технологияси асосида самарадорлигига эришиш истиқболлари Салохитдинова Н.М. ....	430
87	Автоном таълим муассасалари: асосий хусусиятлар, ютуқ ва камчиликлар Исмоилов Т.И. ....	437
88	Инновационные подходы в методах обучения иностранным языкам Жабборова Д.Ш. ....	442
89	Tikansiz – gul, sadafsiz – dur, mashaqqatsiz hunar yo’qdur. Kurbonova M. ....	446
90	Техника олий таълим муассасаларида “олий математика”ни масофавий таълим шаклидан фойдаланиб ўқитиш Қамбаров М.З. ....	451
91	To the issues of the formation of the pedagogical excellence of the teacher Mikheeva A. ....	456
92	O’quvchilarning ingliz tilida nutq kompetensiyasini rivojlantirishda interfaol mashqlardan foydalanish Akbarova R.A. ....	460
93	Ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари Самадова С. С. ....	464